

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг илмий-техник Кенгаши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш, қўмилада ҳамда қўмита тизимидаги корхона ва ташкилотларда бажарилаётган илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва тажриба-технология ишларини кўриб чиқиш, ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этиш мақсадида, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг 2005 йил 31 майдаги 58-сонли буйруғига асосан, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг **илмий-техник Кенгаши** ташкил этилган. Мазкур буйруқда қўмитанинг илмий-техник Кенгаши таркиби, Кенгашда кўриладиган масалаларнинг ҳужжатларини экспертиза қилишга жалб этиладиган мутахассисларнинг таркиби ва Иш тартиби тасдиқланган.

Илмий-техник Кенгашнинг **асосий вазифаси**: - ер тузиш, топографо-геодезия, картография ва кадастр ишлари бўйича ишлаб чиқариш, ерни дистанцион зондлашга доир илмий, техник сиёсатни юритишда тавсиялар, хулосалар тайёрлайди ва кўриб чиқади Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ер тузиш, топографо-геодезия, картография ва кадастр ишларини ишлаб чиқаришнинг техник, технологик, иқтисодий ва ташкил қилиш даражасини оширишдан иборат.

“Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг илмий-техник Кенгашига юклатилган вазифалар бўйича қуйидаги масалаларни кўриб чиқади:

- ер тузиш, топографо-геодезия, картография ва кадастр ишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини башоратлаш ва режалаштириш;
- тармоқларни истиқболли ривожлантириш;
- техник тараққиётни таъминлаш, ташкилотчилик ва бошқарув усулларини шакллантириш, истиқболда ишлаб чиқаришни технологик даражасини кўтариш;
- кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- замонавий техника ва технологияларни қўллаш;
- ер тузиш, топографо-геодезия, картография ва кадастр ишлари ва маҳсулотлари таннархини пасайтириш ҳамда сифатини кўрсатиш, шунингдек, ер тузиш, топографо-геодезия, картография ва кадастр ишлари бўйича республика ва тармоқ миқёсидаги меъёрий услубий ҳужжатлар

(далолатнома, кўлланма, кўрсатма, низом, йўриқнома ва ҳоказолар)нинг лойиҳаларини кўриб чиқади.

Илмий-техник кенгаш олимлар ва юқори малакали мутахассислардан иборат бўлиб, раис, раис ўринбосари, илмий котиб ва кенгаш аъзоларини ўз ичига олади. Соҳалар бўйича махсус масалаларни кўриб чиқиш учун илмий-техник Кенгаш таркибида соҳаларга оид учта яъни Геодезия ва картография, Ердан фойдаланиш ва ер тузиш ва Геоинформатика ва кадастр секцияларини ўз ичига олади.

Илмий-техник Кенгаш йиғилишлари режага биноан ҳар чоракда бир марта мунтазам ўтказилиб, ўз фаолиятини йиллик ва истиқболли режалар асосида иш юритади. Илмий-техник Кенгаш ўз йиғилишларида аъзоларининг камида $2/3$ қисми қатнашганда қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Илмий-техник Кенгашнинг муҳокамасига киритиладиган иш режалар, лойиҳалар ва тадбирларнинг ишланмалари масъул котиб томонидан йиғилишдан 30 кун илгари Кенгаш раисига тақдим этилади. Иш режа, дастур, тадбир ёки бошқа ҳужжатлар лойиҳалари илмий-техник Кенгаш томонидан маъқуллангач, маълум бир масалаларнинг киритилиши ёки олиб ташланиши ҳақида таклифларни кўриб чиқиш муддати илмий-техник Кенгаш қарори асосида белгиланади.